



ARTICLE INFO

Received: 27th September 2022

Accepted: 01st October 2022

Online: 03rd October 2022

KEY WORDS

халқ, маънавият,
тараққиёт, Амир Темур,
давлат.

МАЪНАВИЙ ҚУДРАТЛИ БЎЛИШ БИЗНИНГ ИСТИҚБОЛИМИЗНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Махмудов Собитжон Абдурашид ўғли¹

Офицер:

Мамажонов Иброҳим Олимжон ўғли²

курсант:

1-2Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Академияси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7137322>

ABSTRACT

мавзкур мақолада инсонларнинг маънавияти, ҳамда уларнинг марифати, мамлакатнинг келажagini, тақдирини шу билан бирга ривожланиш истиқболларини белгилашда энг муҳим омил эканлиги ёритиб келтирилган.

Инсоният қадимдан ўзининг қудратини ва кучли кўрсатиш учун жуда кўп кишиларни бунинг йўлида қурбон қилган. Масалан, Мисрда бунёд этилган эҳромларни барпо этиш учун қирқ йил давомида иккиюз минг қуллар тиним билмай меҳнат қилишган. Вавилонда барпо этилган осма боғларни бунёд этиш учун қанчадан-қанча одамлар оғир меҳнат остида эзилиб ўлиб кетган. Шу билан бирга Қадимги Юнонистон ва Римда ҳам неча минглаб кишиларнинг ҳеч нарсдан ҳеч нарсага қурбон бўлиб кетишган. Бу мудҳиш ишларни кўпини мисол қилиб келтириш мумкин, аммо жамиятда мавжуд бўлган тенгсизлик, адолатсизликлар учун кураш тинимсиз бораверган.

Инсоният азалдан ўз шахсини такомиллаштиришга ҳаракат қилиб келган. Оз миқдордаги кишилар жуда ката бойликка эга бўлишган бўлсаларда, лекин маънавий неъматлардан баҳраманд бўлишгани учун ҳам комил инсон даражасига кўтарила олишмаган. Инсоният ўз тараққиёти давомида бир

қанча босқичларни босиб ўтган бўлса, уларнинг маънавий даражасини уларнинг маънавий-маърифий, ахлоқий бойликларини ифодаловчи ривоятларида, афсона-ю эртакларида кўришимиз мумкин.

Қадимги дунёнинг илғор халқи ва ривожланган давлат бўлишининг зарурий шартларидан бири илғор маънавиятга эга бўлишлигидир. Юқорида таъкидлаганимиздек, бир қатор давлат бошлиқлари чексиз куч-қудратга эга бўлсаларда маълум бир вақт ўтгач, улардан кейин гуллаб яшнаб турган мамлакатлар инқирозга юз тутишган. (Миср, Вавилон, Мидия ва б.) анна шу ҳолат такрорланмаслиги учун маънавият ва маърифат соҳасида асдоидил иш олиб бориш, миллий маънавиятимизнинг бой қирраларини очиш, унинг халқаро миқёсдаги обрў – эътиборини кўрсатиш барча жамиятшунос олимларимиз ва мутахассисларимизнинг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда.



Маънавият – инсоннинг ақлий, илмий, амалий, мафкуравий фазилатлари йиғиндиси ҳисобланиб, дунёвий ва диний қарашларнинг акс этишидир, деб ҳисоблайди бир замондошимиз. Француз донишманд ёзувчиси В. Гюго «Одамнинг улуғлиги унинг бўйи – баста билан ўлчанмаганидек, улу-ворлиги сони-сано-и билан белгиланмайди. Ягона ўлчов – унинг маънавиятидир».

Амир Темур инсоният тарихида ҳарбий соҳада биринчи бўлиб душманга нисбатан ғоявий уруш бошлаган саркардалардан бири ҳисобланади. Маълумки Амир Темур ҳар бир қиладиган ишини яхшилаб бир неча чандон чуқур ўйлаб мулоҳаза қилиб кўриб кейин, олдиға қўйган мақсади сари саъй-ҳаракатини бошлаган. Қабул қилган қарорлари кўпчилик билан маслаҳатлашилгандан сўнг қабул қилингани учун ҳам Амир Темур бобомиз бирор марта ҳам мағлубиятга учрамаган саркардалар қаторидан муносиб ўрин олган. Шунинг учун ҳам Соҳибқирон бобомизнинг стратегияси ва тактикалари жаҳоннинг бир қатор мамлакатлари ҳарбий академияларида ўрганиб келинмоқда.

Урушга тайёргарлик олдин уруш бўладиган мамлакат аҳолиси ўртасида Амир Темурнинг махсус гуруҳларида турадиган дарвешлар, савдогарлар, сайёҳлар каби кишилар уларни чалғитадиган ёлғонғяшиқ ва ваҳимали гап-сўзлар тарқатилади, булар албатта халқда маълум бир қўрқув, ўзларига бўлган ишончликни туғдирган. Аммо маълум муддат ўтганидан кейин эса ҳаққаний хабар ва маълумотлар тарқатиш амалга оширилган. Иккинчи тарқатилган хабарлардан кейин аҳолининг Амир Темурнинг келишига

очиқ юз билан, нон-туз билан кутиб олишга тайёргарликлар бошланган. Бу тадбир билан аҳоли ўртасида қон тўкилишининг олди олинган ва фуқароларнинг ўзлари таслим бўлиш йўлини маъқул билганлар. Бу тадбир кўпинча ўз самарасини берган.

Йилдирим Боязид билан бўлиб ўтадиган жанглардан олдин махсус махфий хизмат ходимлари жуда яхши иш олиб боришлари натижаси ўлароқ унинг ўша вақтда бутун Европани даҳшатга солиб келган яхши қуролланган, ҳаракатда бўлган қўшин сифатида катта уруш тажрибасига эга бўлган энг кучли ва кўп сонли армиясини ма-лубиятга учратгани бунинг ёрқин намунаси ҳисобланади.

Амир Темур ҳарбий мероси ва дипломатияси давлатимиз хавфсизлигини таъминлашда ката мактаб вазифасини ўтайди. ҳозирги – оявий кураш асосида ёшларимиз онгини ювиш орқали ўз йўллариға солиб олиш учун мафкуравий, маънавий-руҳий таҳдидларни ва хуружларни англаб олишларида Соҳибқирон бобомизнинг «Тузуқлар»ида келажак авлодларига қолдирган васиятларини нафқат ҳарбийларимиз учун балки, ҳар бир йигит-қизларимизга ватанпарварликдан сабоқ берадиган манба ҳисобланади.

Амир Темур давлатининг яширин қалқони ва дипломатияси нафақат куч-қудрати эмас, балки ақл-заковати, ҳар бир қабул қилаган қарорини пухталиқ билан амалга оширишининг, қунт, сабр-чидам, босиқлик ва тиришқоқлик билан амалга ошириш фазилатларига эга бўлганлигини кўрсатади.



References:

1. Амир Темур Кўрагон. Тему Тузуклари - Тошкент. "Фан", 2019. - 160 б.
2. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар 6 жилдлик. "Маънавият", 2010. - Ж.V: Илмий рисолалар. - 304 б.
3. Иброхимов. А. Бизким ўзбекдар... Миллий давлатчилигимиз хакида мулохазалар / Сзўбоши: И. Гофуров. - Т.: "шарк", 2001. - 400 б.
4. Islom Karimov. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – Т.: "Ma'naviyat", 2015.